

ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛЛАРИ

Салиева А.

Нукус инновацион институти асистент – уқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделларини ўрганиш ҳозирги қундаги замонавий концепция ва ғояларнинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва шу каби бир қатор назарий билимларни бойитишга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг инновацион моделлари мамлакатнинг жаҳон хўжалик тизимиға фаол кириб бориши, иқтисодиётнинг очиқлигини кенгайтириш ва эркинлаштириш, инновация асосида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларни таъминлаш йўлларини очиб беради.

Ривожланишнинг инновацион типи тараққиётнинг ҳозирги босқичида муқобил йўл сифатида “Илмий асосга эга бўлган иқтисодиётга” ўтишини, инновацион фаолият жараёнида инновацияларнинг замонавий ҳолати ва хусусиятлари, мавжуд муаммолар ва зиддиятларни аниқлаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти концепциясининг самарали амал қилишини таъминлаш, ижтимоий қадриятлар трансформациялари асосида иқтисодий тараққиётнинг замонавий тенденцияларини баҳолаш ва аҳоли фаровонлигини баҳолашнинг сифат кўрсаткичларига ўтилишини тақозо этмоқда.

Инновацион ривожланиш мамлакат ҳалқаро рақобатбардошлиги омили сифатида инновацион салоҳият ва унинг рақобат асосида ривожланишга таъсирига баҳо бериш, ишлаб чиқариш омиллари учун шароитлар яратиш, глобал рақобатда инновацион бизнеснинг ролини ошириш биринчи даражали вазифалардир. Бунга эришиш учун давлатнинг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг механизмлари ва дастакларини аниқлаш, инновацион кооперациясини рағбатлантириш, инновацион моделни амалга оширишнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига (микро- макро-, мезо даражада) эътибор қаратиш, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва инновацион жараёнларни бошқариш механизмини яратиш долзарб ҳисобланади.

Инновация асосий омил сифатида иқтисодий ўсишни таъминлаш, атроф-мухит ва ижтимоий жиҳатдан муаммоларни ҳал қилиш учун шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради. Ривожланаётган мамлакатларда инновация бойлик ва иш

ўринларини яратиш ҳамда иқтисодий ўсиш манбай ҳисобланади. Шу билан бирга, бу янгилик тадқиқот ва ривожлантириш орқали ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда технологик янгиликларни бошқача бошқарилишини таъминлайди.

Инновация — бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, жумладан, Э. Тоффлер, Ф. Фукуяма, Д. Белл, Ж. Нейсбит каби олимлар: «Айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади», деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зеро, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини астасекин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада, янгиданянги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рӯёбга чиқариш учун, хусусий инвестицияларга имтиёзлар бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ҳамда суғурталаш, кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб қилинади. Бундан ташқари, бу борада, инновацион сиёsatни тартибга соловчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) ўз ҳисботларида юқоридаги талабларга қатъий амал қилаётган 20 га яқин давлатда инновацион ривожланиш тобора жадаллашаётганини эътироф этади. Швейцария, АҚШ, Швеция, Буюк Британия, Голландия, Финляндия, Гонконг, Сингапур, Тайвань, Япония, Жанубий Корея, Малайзия, Дания ва Ирландия ана шулар сирасидандир¹.

К.Фриманнинг фикрига кўра, миллий инновацион тизим – жамият томонидан истеъмол қилинадиган янги технологиялар, маҳсулотлар ва хизматларнинг яратилишидаги янги билимларни ишлаб чиқишида, сақлашида, тарқатишида ва янги технологияларга айланишида қатнашадиган иқтисодий субъектлар ва ижтимоий институтларнинг (қадриятлар, меъёрлар, хуқуқларнинг) мураккаб тизими ҳисобланади². Технологик изчиллик қонуниятларини ва унинг тарихий мантиқий кетмакетлигини ўрганадиган эволюцион иқтисодий назария “техник иқтисодий прадигма” ва “технологик траектория” тушунчаларига асосланади. У макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва³ ноаниқликларга, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш,

¹ К.Шодиметов. Муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш ва унинг иқтисодий истиқболлари. –Т.: “ILM ZIYO”. 2014. 14 бет

² Edited by Erika Kraemer-Mbula and Watu Wamae. “Innovation and the Development Agenda”. International Development Research Centre PO Box 8500, Ottawa, ON, Canada K1G 3H9. © OECD/IDRC 2010. p. 9. 5F reeman C.

³ Technology Policy and Economic Performance. L.: PrinterPublishers, 1987. p 57. 10

мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқлигини қайд этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ: (REFERENCES)

1. Сухарев О.С., Сухарев С.О. Инновации в экономике и промышленности. – М.: Высшая школа, 2010. 17.
2. Философова Т.Г., Быков В.А. Конкуренция. Инновации. Конкурентоспособность. – М., 2008. 18. Фонотов А.Г. Россия: инновации и развитие. – М., 2010.
3. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – СПб.: Питер, 2003.